

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМӢЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Fil.70.01 РАҚАМЛИ ИЛМӢЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЧУЛИЕВА НИЛУФАР АЗАМ ҚИЗИ

**ИЖОДКОР МАҲОРАТИ ВА ЖАНР ПОЭТИКАСИ
(НАЗАР ЭШОНҚУЛ ҚИССАЛАРИ МИСОЛИДА)**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2020

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on
philological sciences**

Чулиева Нилуфар Азам қизи

Ижодкор маҳорати ва жанр поэтикаси (Назар Эшонкул қиссалари
мисолида).....3

Chulieva Nilufar Azam kizi

Writer's skill and genre poetics (on the example of the stories of Nazar
Eshonkul).....23

Чулиева Нилуфар Азам қизи

Мастерство творца и поэтика жанра (на примере повестей Назара
Эшонкула).....41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....45

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Fil.70.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЧУЛИЕВА НИЛУФАР АЗАМ ҚИЗИ

**ИЖОДКОР МАҲОРАТИ ВА ЖАНР ПОЭТИКАСИ
(НАЗАР ЭШОНҚУЛ ҚИССАЛАРИ МИСОЛИДА)**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2020

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2019.4. PhD/Fil1049 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Қарши давлат университети веб-саҳифасининг www.qarshidu.uz ҳамда «Ziyonet» ахборот таълим портали www.ziyonet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Эшонқулов Жаббор Солиевич
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Жўрақулов Узоқ Ҳайдарович
филология фанлари доктори, профессор

Veli Savaş YELOK
филология фанлари доктори (Туркия)

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Қарши давлат университети ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil.70.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «30» декабрь соат 08:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17. Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz). Қарши давлат университети, Физика-математика факультети, 102-хона.

Диссертация билан Қарши давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (35 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17. Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz).

Диссертация автореферати 2020 йил «19» декабрь куни тарқатилди.
(2020 йил 19 декабрьдаги 34 рақамли реестр баённомаси).



Н.Н.Шодмонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д.

Г.Н.Тожиёва

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д. (PhD)

Д.Тўраев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида иждокор лабораторияси ва маҳоратини янги таҳлиллар орқали ўрганиш, шунингдек, насрий асарлар, хусусан, қисса жанри поэтикасини белгиловчи илмий тадқиқот ишлари муҳим амалий аҳамиятга эга. Муайян халқ адабиётида юз бераётган жанрий поэтик янгиликлар ва иждокор маҳоратини илмий баҳолаш адабий-назарий қарашларнинг ривожланишига таъсир кўрсатади. Бу борадаги илмий мулоҳазалар бутун жаҳон бадиий адабиёти хусусиятлари ҳақида хулосалар чиқаришда муҳим аҳамият касб этади.

Дунё адабиётшунослигида қисса жанри, иждокор маҳорати мавзуси турли назарий қарашлар орқали ривожлантирилган. Хусусан, немис адабиётшунослигининг илк назарий, адабий-эстетик қарашларидаёқ бадиий асар ва маҳорат масаласида ақл ҳамда мутлақ руҳ муштараклиги ёки ҳар бир бадиий асар ўзича алоҳида жанр эканлигини тавсифловчи мулоҳазалари илгари сурилади. Рус адабиётшунослигида қиссанинг роман ва ҳикоя оралиғидаги каноник жанр, иждокор маҳорати шахснинг индивидуал қобилияти эканлиги, инглиз адабиётшунослигида эса жанрнинг ижтимоийлигига эмас, бадиийлик мезонларига эътибор қаратиш бирламчи эканлиги таъкидланади. Шу маънода қисса жанри ва иждокор маҳорати мавзусини илмий тадқиқ этиш бугунги адабиётшуносликнинг долзарб муаммоларидан бири саналади.

Ўзбек адабиётшунослигида сўнгги йиллар ўзбек насри, қиссачилиги ва бадиий маҳорат масаласини ўрганиш эҳтиёжи пайдо бўлди. Сабаби, бугун ўзбек адабиёти ўзининг таъсир кучини насрий асарлар, жумладан, қиссаларда инсон руҳиятининг мураккаб бадиий ифодаси (онг ости оқимини кўрсатишга уриниш), ўзига хос тафаккур тарзининг акс этиши каби янги тамойиллар асосида намоён этмоқда. “Адабиёт халқнинг юраги, элнинг маънавияти кўзгуси. Бугунги мураккаб замонда одамлар қалбига йўл топиш, уларни эзгу мақсадларга илҳомлантиришда адабиётнинг таъсирчан кучидан фойдаланиш керак”¹. Ёзувчи Назар Эшонкул ҳам айтиши шу мақсад йўлида иждок қилаётган адибларимиздандир. Назар Эшонкул қиссалари модернизм йўналишида ёзилганлиги, образлар хилма-хиллиги ва воқелик рамзий тасвирининг куюқлиги билан характерлидир. Натижада иждокор маҳорати, қиссаларининг поэтикаси ва услубини яхлит тадқиқот сифатида ўрганиш ҳозирги адабий жараёнда бадиий маҳорат ҳамда жанр табиати масаласига оид илмий хулосалар чиқаришга таъсир этиши билан долзарблик касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикасида олий таълим тизимини 2030 йилгача

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида барпо этилган Адиблар хиёбонининг очилишида сўзлаган нутқи. / Халқ сўзи, 2020, 21 май, №106 (7608).

ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари ва 2017 йил 17 февралдаги ПҚ - 2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг амалдаги ижросига ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Илк адабий назарий қарашлардан то бугунга қадар насрий асарлар, қисса жанри табиати, у ҳақидаги назарий фикрлар² жаҳон ва рус адабиётшунослигида салмоқли манбаларни ўз ичига олади. Мазкур тадқиқотларда қисса жанри, унинг спецификаси, жанрлараро алоқаси; адабиётда сўз қўллаш, воқелик, қаҳрамон ва характер яратиш маҳорати каби масалалар қамраб олинган.

Адабиётшунослигимизда эса назарий дарсликлар, қўлланмалар, рисолалар³ ва диссертацион тадқиқотларда⁴ қисса жанри, шу жанр билан

² Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир. Риторика. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2018; Кожинов В. Повесть. Словарь литературоведческих терминов. – М.: Просвещение, 1974; Уэллек Р., Уоррен О. Теория литературы. – М.: 1978; Лихачев Д.С. Нравнодушная проза. – М.: Художественная литература, 1984; Веселовский А.Н. Историческая поэтика. – М.: Высшая школа, 1989; Головкин В.М. Поэтика русской повести. – Саратов: 1992; Хализев В.Е. Теория литературы. – М.: Высшая школа, 2002; Тамарченко Н.Д. Теория литературы // Роды и жанры. – М.: ИМТИ РАН, 2003; Стоун И. Биографик қисса ҳақида // Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида. – Тошкент: Маънавият, 2010.

³ Норматов У. Ҳозирги қиссалар поэтикасига доир // Насримиз уфқлари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974. – Б.45-64; Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983. – Б.248; Султон И. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1986; Каримов Э. Ўзбек совет адабиётида повесть жанри // Адабий турлар ва жанрлар. 1-жилд. – Тошкент: Фан, 1991; Каримов Н., Мамажонов С., Назаров Б., Норматов У., Шарафиддинов О. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1999; Расулова У. XX аср ўзбек қиссалари тадрижи. – Тошкент: Фан, 2012; Quronov D. Adabiyot nazariyasi asoslari. – Toshkent: Navoiy universiteti, 2018.

⁴ Расулов А. Характер молодежи в современных узбекских советских повестях: Дисс... канд. филол. наук. – Тошкент, 1966; Абrorов А. Ўзбек повести. – Тошкент, 1973; Тўраев Д. Ҳозирги ўзбек қиссаларида сюжет проблемаси: Филол. фан. номз. ...дисс. – Тошкент, 1974; Рашидов А. Проблема духовно-нравственного становления героя в узбекской повести о рабочем классе (1920-1960 гг.): Дисс. ... канд. филол. наук. – Тошкент, 1981; Тагматов К. Нравственный мир героя и художественные искания в узбекской повести (1960-1970 гг.): Дисс... канд. филол. наук. – Тошкент, 1981; Захидова С. Жанровые и стилевые особенности советской узбекской повести (60-70 г): Дисс... канд. филол. наук. – Тошкент, 1982; Улуғов А. Основные тенденции развития современной узбекской повести в интерпретации литературной критике. Дис. канд.

боғлиқ муайян муаммолар (характер, қаҳрамон, сюжет ва ш.к.) тадқиқ этилган. Мазкур тадқиқотлар адабиётшунослигимизда қисса жанри, унинг намуналарини баҳолаш, талқин этиш ва муайян ижодкорларнинг ушбу жанрни қай тарзда ривожлантирганликларини кўрсатишга хизмат қилган.

Сўнгги йилларда самарали қалам тебратаётган Назар Эшонқул ижоди ва унинг ўзига хос услуби тадқиқ этилган ишлар талайгина. Жумладан, Х.Дўстмухаммедов, Г.Сатторова, М.Рустамова, С.Матякупов, А.Холмуродов, Д.Холдоров, Ф.Раджабова, Ф.Бурханованинг диссертацион тадқиқотлари⁵ ҳамда турли шаклдаги илмий ишларда⁶ ижодкор яратган ҳикоялар, қиссаларнинг ўзига хос хусусиятлари, поэтик тили ва услуби, муаллифнинг адабий-эстетик қарашлари ҳақида илмий мулоҳазалар мавжуд. Бироқ Назар Эшонқул қиссаларининг поэтикаси, қаҳрамон, характер яратиш, сюжет куриш маҳорати ва жанр такомиллидаги изланишлари илк бор яхлит тадқиқот сифатида мазкур диссертация иши доирасида ўрганилди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Қарши давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Адабий ҳодисаларнинг тарихий тадрижи ва назарий тараққиёти масалаларини ўрганиш” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Назар Эшонқул қиссалари таҳлили асосида қисса жанри такомилли, бадиий маҳорат тўғрисидаги муайян илмий-назарий қарашларни умумлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ҳозирги ўзбек қиссаларининг тараққиёт тадрижини белгилаш орқали ёзувчи Назар Эшонқул ижодининг қиссачилик ривожига аҳамиятини кўрсатиш;

филол. наук. – Тошкент: 1988; Тенглашев М. Особенности конфликта в узбекских повестях 80-х годов: Дисс. ... канд. филол. наук. – Тошкент, 1989; Ташпулатов Г. Нравственные искания в современной узбекской повести (М.М.Дуст, Тагай Мурад, Гаффар Хотам): Дисс. ... канд. филол. наук. – Тошкент, 1993; Кўбаев Қ. Ўзбек қиссаларида тарихий ҳақиқат ва бадиий маҳорат (60-80-йиллар): Филол.фан.номз...дисс. – Тошкент, 2001; Каримова Ю.А. Пиримқул Қодиров қиссаларида маънавий-ахлоқий муаммоларнинг бадиий талқини: Филол.фан.номз...дисс. – Тошкент, 2005;

⁵ Дўстмухаммедов Х. Ҳозирги ўзбек ҳикоячилигида бадиий тафаккурнинг янгиланиши (80-йилларнинг иккинчи ярми ва 90-йилларнинг аввалидаги ҳикоялар мисолида): Филол.фан.номз. ... дисс. – Тошкент, 1995; Сатторова Г. 90-йиллар ўзбек ҳикоячилигида миллий характер муаммоси (Ғ.Хотам, Х.Дўстмухаммад, Н.Эшонқул ҳикоялари мисолида): Филол.фан.номз... дисс. – Тошкент, 2002; Рустамова М. Истиклол даври ўзбек қиссаларининг тараққиёт тенденциялари: Филол.фан.номз... дисс. – Тошкент, 2005; Матякупов С. Ҳозирги ўзбек ҳикояларида инсон концепцияси ва шахс бадиий талқини: Филол.фан.номз...дисс. – Тошкент, 2006; Холмуродов А. Ўзбек қиссачилиги: тараққиёт муаммолари: Филол.фан.докт. ...дисс. –Тошкент, 2008; Камилова С. XX аср охири – XXI аср бошлари рус ва ўзбек адабиётида ҳикоя жанри поэтикасининг ривожини: Филол. фан. докт. ...дисс. – Тошкент, 2016; Холдоров Д. Ҳозирги ўзбек қиссаларида бадиий услуб муаммоси (Шойим Бўтаев, Назар Эшонқул қиссалари мисолида): Филол. фан. фалс. докт. ... дисс. – Тошкент, 2018; Раджабова Ф. Истиклол даври ўзбек қиссачилигида услуб ва поэтик тил: Филол. фан. фалс. докт. ...дисс. – Тошкент, 2018; Бурханова Ф. Муаллиф адабий-эстетик қарашлари ва ижодий параллелизм (Назар Эшонқул ва Улуғбек Ҳамдам ижоди мисолида): Филол.фан.фалс.докт. ...дисс.автор.ф. – Тошкент, 2019.

⁶ Норматов У. Умидбахш тамойиллар. – Тошкент, Маънавият, 2000. – 110 б.; Ёўлдошев Қ. Ёниқ сўз. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2006. – 546 б.; Қўчқорова М. Бадиий сўз ва руҳият манзаралари. – Тошкент: Мухаррир, 2011. – 232 б.; Каримов Б. Руҳият алифбоси. – Тошкент: Гафур Ғулум номидаги НМИУ, 2018. – 362 б.

Назар Эшонкул қиссаларидаги сюжет, замон-макон шаклларини ўрганиб, муаллифнинг сюжет ва бадий макон яратиш маҳоратини ёритиш;

Назар Эшонкул услубини юзага келтирган поэтик омилларни, хусусан, “Уруш одамлари”, “Момоқўшиқ”, “Тун панжаралари” ва “Қора китоб” қиссаларида ижодкор услуб қирраларини аниқлаш;

қиссалардаги образлар талқини ва муаллиф адабий-эстетик қарашларининг шаклланишида жаҳон психологларининг таълимотлари, жаҳон адабиёти таъсирини кўрсатиш;

бадий маҳорат ва қисса жанри поэтикаси масалаларини ўрганишнинг ҳозирги ўзбек адабиётшунослигидаги аҳамияти борасида илмий хулосалар чиқариш.

Тадқиқотнинг объекти Назар Эшонкулнинг “Уруш одамлари”, “Момоқўшиқ”, “Тун панжаралари” ва “Қора китоб” қиссалари ҳамда мустақиллик йилларида яратилган айрим ўзбек қиссаларидан иборат.

Тадқиқотнинг предмети Назар Эшонкул қиссалари поэтикаси ва ижодкор маҳоратини ўрганиш масалалари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияни шакллантиришда қиёсий-типологик, структурал, биографик ва психологик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ҳозирги ўзбек қиссаларида қаҳрамон, характер, сюжет яратиш борасидаги поэтик ўзгаришларнинг давомийлиги, сўнги йиллар ўзбек қиссачилигининг тараққиёт тадрижи, ёзувчи Назар Эшонкул қиссаларининг бадий такомиллашув хусусиятлари ёритилган;

Назар Эшонкул қиссаларида воқеалар баёни ва бадий тасвирда анъанавий реалистик, ноанъанавий (модернистик) йўналиш хусусиятлари, замон-маконнинг анъанавий ҳамда синтетик шакллари аниқланган;

қиссалар матнида қўлланилган рамзларнинг асар композициясига кўра таснифи, образлар талқини ҳамда адабий таъсир (фольклор, мумтоз адабиёт таъсири), асар мавзуси ва ғояси каби масалаларнинг акс этишида муаллифнинг бадий маҳорати кўрсатиб берилган;

“Уруш одамлари”, “Момоқўшиқ”, “Тун панжаралари”, “Қора китоб” қиссаларида муаллифнинг ижодий индивидуаллиги, поэтик тил ва ифодада рамз-метафораларнинг, бадий синтез, аллюзия ҳодисаларининг фаол қўлланилиши, мураккаб қурилмали жумлалар, ровий-қаҳрамоннинг киноявий, афористик нутқи орқали тасвирийликнинг изчил шакллантирилиши очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

жаҳон ва замонавий ўзбек адабиётшунослигида қисса жанри илмий тадқиқога доир манбалар таснифий ўрганилган ҳамда талқин тамойиллари аниқланган;

“Уруш одамлари”, “Момоқўшиқ”, “Тун панжаралари”, “Қора китоб” қиссаларида образ, услуб, сюжет поэтикаси ва замон-макон талқини масалалари очиб берилган;

“Тун панжаралари”, “Қора китоб” қиссалари сюжетининг воқе бўлишида адабий таъсир ҳамда модернистик тамойилларнинг умумий ва хусусий таъсири кўрсатилган;

“Уруш одамлари”, “Момоқўшиқ”, “Тун панжаралари”, “Қора китоб” қиссаларида ижодкор маҳорати ва услуб қирралари ёритилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ кўйилганлиги, хулосаларнинг қиёсий-типологик, биографик, психологик, структурал таҳлил методлари ёрдамида асосланганлиги, шунингдек, қиссалар таҳлилида Назар Эшонқулнинг адабий қарашлари, ўз ижод намуналари ҳақида фикр-мулоҳазалари ёритилган асарларидан фойдаланилганлиги тадқиқот натижаларининг ишончлилигини белгилайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қисса жанри поэтикаси ва ижодкор маҳоратига оид тадқиқотларда эришилган назарий фикрларни тўлдириши, қиссалардаги образлар талқини ва муаллиф адабий-эстетик қарашларининг шаклланишига ҳамда мустақиллик даври адабиёти манбаларини бойитишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамиятидан олий таълим тизимида “Замонавий ўзбек адабиёти”, “Ҳозирги адабий жараён” фанлари бўйича дарслик, ўқув қўлланма ва мажмуаларни яратиш, шунингдек, ўқув адабиётлари тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Назар Эшонқул қиссаларининг поэтикаси ва ижодкор маҳорати масаласини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотнинг илмий натижалари асосида:

Назар Эшонқул қиссаларида воқеалар баёни ва бадиий тасвирда анъанавий реалистик йўналиш хусусиятлари, замон-маконнинг анъанавий ҳамда синтетик шакллари мавжудлиги тўғрисидаги илмий натижаларидан ИТД А-1-118 рақамли “Навоий образининг тасвир ва талқинларига оид ўқув қўлланмасини тайёрлаш ва нашр этиш” мавзусидаги (2015-2017) фундаментал лойиҳада фойдаланилган. (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 2 октябрдаги №89-03-3643-сон маълумотномаси). Натижада замонавий адабиётда анъана ва адабий таъсир масалалари мавзуси илмий бойитилган;

қиссалар матнида қўлланилган рамзларнинг асар композициясига кўра таснифи, образлар талқини ҳамда адабий таъсир (фольклорнинг таъсири) тўғрисидаги хулосаларидан ОТ-А1-47 рақамли “Фольклоршунослик атамалари луғати” мавзусидаги (2017-2018) амалий лойиҳада фойдаланилган. (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 2 октябрдаги №89-03-3643-сон маълумотномаси). Натижада мазкур манбалар ўзбек насри тараққиётида фольклорнинг ўрнини белгилашга доир маълумотларнинг тўлдирилишига хизмат қилган;

“Уруш одамлари”, “Момоқўшиқ”, “Тун панжаралари”, “Қора китоб” қиссаларида муаллифнинг ижодий индивидуаллиги, поэтик тил ва ифодада рамз-метафораларнинг, бадиий синтез, аллюзия ҳодисаларининг фаол қўлланилиши, мураккаб қурилмали жумлалар, ровий-қаҳрамоннинг

киноявий, афористик нутқи орқали тасвирийликнинг изчил шакллантирилиши тўғрисидаги илмий маълумотлардан Қашқадарё вилояти телерадиокомпаниясининг “Альманах” руқни остидаги “Илк ўзбек реалистик қиссаси: “Обид кетмон” ва ҳозирги ўзбек қиссалари тадрижи”, “Ижодкор маҳорати ва услуб” мавзусидаги кўрсатувлар сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Қашқадарё вилояти телерадиокомпаниясининг 2020 йил 29 июнь 547-сон маълумотномаси). Натижада кўрсатувларни маърифий ва амалий жиҳатдан бойитиш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробациялари. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларда апробациядан ўтказилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола, жумладан, 2 таси республика, 1 таси хорижий журналларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 158 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг “**Кириш**” қисмида ишнинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилиш даражаси, илмий янгилиги, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазифалари аниқланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилингани, апробацияси, нашр этилган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Қисса жанрининг ўрганилиши ва янгилиши тамойиллари**” деб номланган биринчи бобида мавзуга доир илмий-назарий адабиётларга диққат қаратилади. Сўнгги йиллар ўзбек қиссачилигининг ўзига хос тараққиёт тамойиллари ҳақида фикр юритилади.

Бобнинг биринчи фаслида “Ҳозирги замон ўзбек қиссачилигининг ўрганилиши” тўғрисида илмий мулоҳазалар баён этилган. Аввало, қисса жанри табиати, хусусиятлари ва имкониятлари ҳақида қисқача сўз юритилган. Шунингдек, ўзбек қиссачилигининг замонавий ўзбек адабиётшунослигида ўрганилганига эътибор қаратилган. Маълумки, XX асрнинг 80-90 йиллари яратилган бадиий наср тадқиқига доир кўплаб диссертациялар ва турли йўналишдаги тадқиқот ишларида қисса жанрига муносабат, жанр билан боғлиқ адабий ҳодисалар, муаммолар, қиссанавис образи ва ижодкор маҳорати каби масалаларга муносабат билдирилади. Адабиётшунос олимлар Умарали Норматов, Абдуғафур Расулов, Дамин Тўраев, Қозоқбой Йўлдошевнинг ҳозирги ўзбек адабиёти, истиклол насри ва қиссалари тўғрисида мушоҳада юритилган асарларининг илмий-амалий

аҳамияти салмоқлидир. Мазкур асарлардаги таҳлиллар ва талқинлар бугунги адабиётимизнинг, насримизнинг, хусусан, қиссаларимизнинг ўзига хос янгилашиш хусусиятлари ҳамда бадий такомил тадрижини кўрсатади. Ушбу олимларнинг насрий асарларимиздаги инсон образи тасвири ҳақидаги фикрлари эътиборлидир. Жумладан, адабиётшунос олим У.Норматовнинг “Шахсни фақат ижтимоий муносабатлар маҳсули сифатида эмас, кўпроқ илоҳий, туғма-табiiй, сирли-сеҳрли мавжудот тарзида кўрсатувчи, унинг ижтимоийёт, тарихий шароит – тузум, давлат, сиёсат, мафкурага бўйсунмайдиган ғаройиб туйғу, хислатларини, онг-идрокдан ташқаридаги англаб етилмаган ҳолатларини бадий тадқиқ этувчи, экзистенциализм фалсафасига таянувчи асарлар ҳам яратилаётир ёки шу хил талқинлар кенгроқ илдиз отиб бораётир...”⁷ каби фикрлари ҳозирги асарларимиз бадий манзараси ва уларга бўлган илмий муносабатни ифодалайди.

Адабиётшунос олим Д.Тўраев эса истиқлол даври насридаги ўзгаришлар сифатида қуйидагиларни кўрсатади: “Истиқлол даври насридаги энг муҳим ўзгаришлардан бири, шубҳасиз, жанрлар поэтикасидаги янгилашишлардир. Насримиздаги эпик тасвирлаш усули янгича изланишлар билан бойиб, жаҳон адабиёти тизимидаги ноанъанавий деб аталувчи йўналиш йўсини юз кўрсатди. Бу хилдаги асарларда бадий талқин, воқеалар баёнидан фарқли ўлароқ, реалистик пинҳона онг оқимлари, фалсафий ва рамзий таҳлил ҳамда қаҳрамон руҳиятини тадқиқ қилиш орқали берилиши характерли”⁸.

Г.Ташпулатов, А.Улуғов, Қ.Кўбаев, М.Рустамова, Ю.Каримова, А.Холмуродов, М.Бобохонов, М.Шералиева, Д.Холдорев, Ф.Раджабованинг диссертациялари⁹ қисса жанри, унинг табиати, истиқлол арафаси ва мустақиллик даврида яратилган қиссаларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги илмий фикрлар монографик, яхлит тадқиқот тарзида бажарилган ишлардир. Ҳозирги ўзбек қиссаларининг тараққиёт тенденциялари, уларда аксланган тасвир усуллари, бадий тил имкониятлари, ижодкор маҳорати ва услуби тўғрисидаги мавжуд фикрлар ушбу диссертациялар таҳлили мисолида очиб берилади. Мазкур илмий тадқиқот ишларининг ўзига хос жиҳатлари эътироф этилиб, илмий-назарий қарашлар умумлаштирилган.

⁷ Норматов У. Умидбахш тамойиллар. –Тошкент: Маънавият, 2000. – Б.5.

⁸ Тўраев Д. Рангин тасвирлар жилоси. – Тошкент: Akadernashr, 2014. – Б.4.

⁹ Ташпулатов Г. Нравственная искания в современной узбекской повести (М.М.Дуст, Тагай Мурад, Гаффар Хатам): Дис. канд. филол. наук. – Тошкент, 1993; Улуғов А. Основные тенденции развития современной узбекской повести в интерпретации литературной критике. Дис. канд. филол. наук. – Тошкент, 1988; Кўбаев Қ. Ўзбек қиссаларида тарихий ҳақиқат ва бадий маҳорат (60–80-йиллар): Филол.фан.номз...дисс. – Тошкент, 2001; Рустамова М. Истиқлол даври ўзбек қиссаларининг тараққиёт тенденциялари: Филол.фан.номз...дисс. – Тошкент, 2005; Каримова Ю. Пиримқул Қодиров қиссаларида маънавий-ахлоқий муаммоларнинг бадий талқини: Филол.фан.номз...дисс. – Тошкент, 2005; Холмуродов А. Ўзбек қиссачилиги: тараққиёт муаммолари (XX аср сўнгги чораги): Филол. фан. докт... дис. – Тошкент, 2008; Бобохонов М. Ҳозирги ўзбек қиссачилигида психологизм: Филол.фан.номз... дис. автореф. – Тошкент, 2012; Шералиева М. Ҳозирги ўзбек насрида киноя (ижтимоий-психологик омиллари, поэтик тизимдаги ўрни): Филол. фан. фалс. докт. дис. автореф. – Тошкент, 2017; Холдорев Д. Ҳозирги ўзбек қиссаларида бадий услуб муаммоси (Шойим Бўтаев ва Назар Эшонқул қиссалари мисолида): Филол. фан. фалс. докт. дисс. – Тошкент, 2017; Раджабова Ф. Истиқлол даври ўзбек қиссачилигида услуб ва поэтик тил: Филол. фан. фалс. докт. дисс. – Тошкент, 2018.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, янги қиёфадаги адабиётимиз намуналарини, хусусан, қиссаларимизни текшириш усулларининг миллий-замонавий таҳлил ва талқин методларига ҳамда муайян концепцияга зарурат мавжуд. Ҳозирги замон қиссалари ва уларда кўринаётган янгиланиш жараёнларини илмий жиҳатдан асослаш, таҳлиллаш принципларини яратиш, миллийлик уйғунлашган ёки соф модернизм руҳидаги асарларни баҳолаш методларини, умуман, кейинги давр ўзбек қиссаларини текширишнинг яхлит назариясини ишлаб чиқиш долзарб масала бўлиб келаётир. Бу борада жаҳон адабиётшунослигида кўрилган тажрибаларга таяниш, натижада ўзбек қиссалари бадииятини тўлақонли кўрсатиб бера оладиган миллий, шу билан бирга, умуминсоний қарашларга асосланган назарияга эҳтиёж мавжуд.

Биринчи бобнинг “Қисса жанрида янгиланиш тамойиллари” деб номланган иккинчи фаслида истиқлол арафаси ва сўнгги йилларда яратилган қиссалар таҳлилга тортилади. Замонавий қиссаларнинг ўзига хос хусусиятлари, инсон тасвирига бўлган ёндашувнинг ўзгариши, жанр тараққиётини таъминлаган адабий ҳодисалар ва етакчи тамойиллар ифода этилади. Жумладан, Х.Дўстмуҳаммаднинг “Куза...”, “Сўроқ”, “Оромкурси”, Э.Аъзамнинг “Чапақлар ва чалпақлар мамлақати”, “Шоирнинг тўйи”, Ш.Бўтаевнинг “Кунботардаги боғ”, Ш.Ҳамронинг “Қора кун”, У.Ҳамдамнинг “Ёлғизлик”, И.Султоннинг “Робия Балхий қиссаси”, Н. Эшонкулнинг “Қора китоб”, “Тун панжаралари” каби қиссалари таҳлилга тортилган. Ушбу таҳлиллар асосида жанрда қаҳрамон масаласи, воқеликнинг баён этилиш услуби ҳамда муаллиф “мен”и борасидаги назарий қарашлар тўлдирилган. Мазкур қиссалардаги давр зиддиятлари, иллатларининг ёритилиши, жамият таназзулининг тасвири, воқеликка ровийнинг аллегорик-киноявий муносабати, рамз-метафораларга бойлиги, қаҳрамонларнинг индивидуаллаштирилмаганлиги ёки уларнинг ўз ўй-фикрлари, кечинмалари куршовида тасвирланиши каби янги хусусиятлар бўй кўрсатган. Қолаверса, тасвирда Шарқ адабиётидан, мумтоз асарларимиздан таъсирланиш натижасида лиризмнинг, муболаға, ташбеҳ санъатининг салмоғи ёки баённинг анъанавийлиги, воқеаларнинг реалистик баёни етакчилик қилмоқда. Бу каби хусусиятлар жанрнинг ўзига хос табиати ва такомил тадрижини белгилайди.

Диссертациянинг “**Жанр сюжетида ўзига хослик ва замон-макон талқини**” деб номланган иккинчи боби уч фаслдан иборатдир. Бобнинг “Қисса жанрида сюжет талқини” деб номланган биринчи фаслида Назар Эшонкул қиссаларининг сюжет қурилиши ҳамда муаллифнинг композицион тафаккур имконларидан фойдаланиш маҳоратига баҳо берилади.

Ҳозирги ўзбек қиссаларининг сюжет композицияси ўзига хос бўлиб, сюжет нафақат реал воқелик сифатида, балки нореал воқелик тасвирларининг уйғунлашуви ёки нореал воқеликнинг айни ўзи асосида ташкилланмоқда. Реал воқелик асос бўлган сюжетли асарларда воқеа(лар) идрок қилиш, ақл чегараларига сиғдириш, кўриш, сезиш типиде аксланади. Воқелик муайян реал макон-замонда, образлар ҳам ён атрофимиздаги мавжуд одамларнинг белги-хусусиятларини ўзида жамлаган ҳолда тасвирланади. Назар

Эшонкулнинг “Уруш одамлари”, “Момоқўшиқ” қиссалари мазкур сюжет шаклидаги қиссалардир.

Нореал воқелик асос бўлган сюжетли асарлар муаллифнинг Фарб адабиётидан таъсирланиши, адабий фантазия кўлами, бадий нияти ўларок вужудга келади. Шу билан бирга, сюжет нафақат воқеалар тизими сифатида, балки бир воқеа ичидаги ўсиш, қаҳрамоннинг ички – руҳиятида, қалбида кечган туйғулари, ўз-ўзи билан кураши, ўзини тафтиш этиши, баҳолаши; қаҳрамоннинг психологик ҳолати эса онг оқимининг инъикоси тарзида тасвирланади. Ёзувчининг “Тун панжаралари”, “Қора китоб” асарлари сюжети ана шундай қиссалар сирасига киради.

“Уруш одамлари” қиссаси сюжетида муаллиф жаҳон урушининг бутун инсоният ҳаётида қолдирган фожиаларини мўъжаз бир қишлоқ кишилари мисолида ёритиб берган. Қисса сюжетида концентрик тип етакчилик қилган, аммо хроникалилик хусусиятларидан ҳам самарали фойдаланилган. Бу ўзаро уйғунлашув натижасида асар бадий мукамаллиги таъминланган. Қиссадаги деталлар бош қаҳрамон – Норматнинг руҳиятида кечаётган муҳаббат ва соғинч туйғулари билан уйғунлашиб кетган. Асардаги портрет ва пейзаж тасвирлари орқали муаллиф Нормат қисматининг фожиавий якунига урғу беради, шунга хос кайфият яратади. Қисса сюжетида муаллиф “сир сақлаш” усулидан самарали фойдаланган.

Назар Эшонкулнинг сюжети реал воқелик асос бўлган яна бир асари “Момоқўшиқ” қиссасидир. Муаллиф қисса сюжети экспозициясининг ўзидаёқ контраст усулидан фойдаланади. Натижада матнда муҳит ва қаҳрамонлар, характерлараро конфликтга “пойдевор” яратилади. Қаҳрамонлараро конфликт уларнинг ташқи кўриниши, портретларида ва, албатта, қарашларида ҳам ўз ифодасини топади. Қисса қаҳрамони Муазамнинг жўн, аммо шарқона дунёқараши асарда “машхур шоир” дея таърифланган Шамси Салоҳнинг баландпарвоз ва худбинона фикрларига қарама-қарши қўйилади. Қисса якунида эса сохта, “замонавий” ва “жимжимадор” фикрларининг нотўғри, ўринсиз экани аёнлашган.

“Тун панжаралари” қиссаси сюжети нореал воқелик асосига қурилар экан, қисса мазмунида, албатта, реалликдан буткул воз кечилмаган. Яъни юз бераётган воқеа-ҳодисалар тарихий, диний-мифологик образлар куршовидаги ровий-қаҳрамоннинг руҳий-маънавий, фикрий-интеллектуал, онг ости (туш, тахайюл) олаmidан ўтказиб тасвирланади. Натижада сюжет икки асосий чизиқда кўринади. Биринчиси, қаҳрамон мавжудлигининг, ҳаракатининг реалиясини таъминлаган реал сюжет чизиғи, иккинчиси, қаҳрамоннинг шайтон, Сулаймон, тарихий шахс Антоний (қадимги Рим ҳукмдорларидан бири) билан учрашуви ва мулоқоти нореал сюжет чизиғини ҳосил этган.

“Қора китоб” қиссаси сюжети қаҳрамоннинг монолог шаклидаги мулоҳазаларига асосланади. Асар қаҳрамонининг умри охирида ўзининг шу пайтгача Иблисга хизмат қилганини, фарзандларини ҳам унинг ярамас, манфур ғоялари битилган қора китоб таъсирида улғайтирганини англайди. Ўғиллари бўрига айланиб ваҳшийликлар қилишар эди. Ҳатто ўз отасига ҳужум қилиб, уни бир аҳволга солишади. Қизи эса Иблисга асир тушиб,

унинг наслини давом эттирувчига айланади. Асардаги бу каби нореал тасвирлар воқеликнинг бутун даҳшатини, драматик шиддатини таъмин этган. Қисса воқелигида рамзий-метафорик тасвирлар ва образларнинг мавжудлиги, мазмуннинг нореаллик асосида берилиши таҳлиллар асосида исботланган.

Бобнинг “Замон ва маконнинг бадий талқини” деб номланган иккинчи фаслида Назар Эшонкул қиссаларида замон-макон масаласи ўрганилган.

Адибнинг “Уруш одамлари” қиссасида замон ва макон анъанавий хронотоп шаклида воқеланган. Қисса воқеалари Терсота қишлоғида кечади. Муаллифнинг аксарият асарлари, жумладан, “Шамолни тутиб бўлмайдими” хикояси, “Тун панжаралари” қиссасида ҳам мазкур қишлоқ номи тилга олинган ва бадий макон вазифасини ўтаган. “Уруш одамлари” қиссасида тасвирланган замон уруш даври ва унинг одамлар ижтимоий-иқтисодий, руҳий-маънавий ҳаётида қолдирган асоратлари асносида акс эттирилса, макон эса ана шу инсонлар ҳам жисман, ҳам руҳан “ҳаракатланадиган”, яхлитлашган, умумий, айни пайтда, реал, яқка жуғрофий объект (Терсота қишлоғи) сифатида тасвирланади. Қисса матнида акс этган Бухор қоялари, қалин ўрмонлар ва уларга туташ қишлоқ тасвири шундай хулоса чиқаришимизга имкон беради. Асарда тоғ одамларига хос дағаллик, самимийлик, ор-номусни, ғурурни устун қўйиш каби маконий феъл-атворнинг индивидуал характер хусусиятлари билан уйғунлашуви қаҳрамонларнинг миллий қиёфасини янада жонли ифодалашга хизмат қилган. Қисса сюжети ва қаҳрамонлар келажаги билан боғлиқ барча ҳодисалар ўзининг хусусий замонига эга махсус маконларда кечган. Масалан, Норматнинг хонадони айнан шундай хронотопдир. Қиссада дарё (қирғоқ) ва ҳаёт (томорқа, боғ), “урушсиз юрт” асосий хронотоп ичидаги кичик, хусусий хронотоп бўлиб, метафорик хронотоплардир.

“Момоқўшиқ” қиссасидаги хронотоп тизими ҳам анъанавий хронотоп шаклида бўлиб, шу анъанавий хронотоп ичида идиллик хронотоп шакли хусусиятлари кўзга ташланади. Воқеалар бўлиб ўтадиган хронотоп Бахтин изоҳлаб кўрсатган идиллик шаклнинг айнан ўзидир. М.Бахтинга кўра, идиллияларга хос хронотопнинг асосий хусусияти: “аввало, идиллиядаги замоннинг маконга муносабатида акс этади. Ҳаёт ҳодисалари она диёрнинг барча пучмоқларига, кадрдон тоғлар, водийлар, кенг майдонлар, дарё ва ўрмонлару туғилган хонадонга нақадар узвий боғланганида кўринади. Идиллик ҳаёт ва унга доир воқелик ушбу – боболар, оталар яшаган, болалар ва набиралар ҳам яшайдиган – конкрет макон бурчакларидан айри ҳолатда мавжуд бўла олмайди”¹⁰. Жумладан, асардаги ҳашарчилар, теримчилар, кенг-кенг пахта далалари, шийпонлар, чайлалар ва у ерларда ҳукм сураётган ҳаёт тарзи тасвири айни фикримиз исботидир. Аммо бундай тасвирдан муаллифнинг мақсади шунчаки идиллик ҳаётни ёритиш эмас. Балки соф, самимий туйғулар билан олифтанамо, баландпарвоз туйғулар қарама-қаршилигида, орзу ва мақсад, ҳаёл ва реаллик ўртасида қолган инсон

¹⁰ Бахтин М. Романда замон ва хронотоп шакллари. – Тошкент: Akademnashr, 2015. – Б.218-219.

қалбининг мураккаб бадиий ифодасини яратишдан иборат эканлиги ифодаланади.

“Тун панжаралари” қиссаси хронотопи эса синтетик шаклда воқеланади. Яъни қиссадаги реал замон-маконнинг нореал замон-макон билан уйғунлашуви асар хронотопининг синтетик эканлигини кўрсатади. Асарда Терсота қишлоғининг қисса матнининг у ёқ-бу ёғида “қалқиб чиқадиган” тасвири ёки ижара уй хронотопининг ижарачи она ва қиз феъл-атворини тасвирлашда ғира-шира кўриниб қолган, “эски, таназзули муқаррар уй” кўринишидан бошқа реал макон учрамайди. Қисса қаҳрамонининг Сулаймон билан учрашган боғ ёки шайтонлар бошлиғи билан учрашув жойи (қандайдир бино ертўласи)нинг мавҳумлиги ҳам асарнинг аниқ маконда юз бермаётганлигини ифодалайди; улар конкрет ва батафсил муайян географик жой сифатида тасвирланмайди. Қаҳрамон яшаётган хронотоп (ижара уй) унинг ўй-мулоҳазаларида акс этган мавҳум хронотоп билан уйғунлашиб кетади.

Муаллиф қисса сюжетида бу каби нореал тасвирларни қўллаб, қаҳрамон “яшаётган” замон-макон билан азалий (Сулаймон пайғамбар, Антоний, Цезар, Клеопатра мавжуд бўлган) замон-маконларни осонгина бирлаштира олади. Бундай хронотоп тизимида “ҳаракат қилаётган” образ узоқ ва улкан замон-маконни “босиб ўтиб”, ўзининг бадиий асардаги асосий миссияси (башариятнинг тарихий, ижтимоий-фалсафий, маънавий-маърифий тараққиёт босқичларида инсон ва унинг қалбини англаш вазифаси)ни тўлақонли бажарган.

Қиссадаги ана шу узоқ ва улкан хронотоп воқеалар рўй бераётган асосий вақт-замон – тун билан “ниқобланади”. “Тун панжаралари” қиссасида иккита хронотоп чизиғи кўзга ташланади. Буларнинг биринчиси, реал (объектив) хронотоп чизиғи бўлиб, у бошқа бир иккинчи – сюжет вақти учун нореал хронотоп билан уйғунлашади ва умумийлик (умум замон-маконийлик) касб этади. Бу ҳолат эса муаллиф “мен”и ва адабий идеали билан боғлиқлик ўлароқ вужудга келган.

Назар Эшонқулнинг “Қора китоб” қиссаси хронотопи эса Навоий асарлари тасвиридаги замон-макон чегараларида ётувчи, шу хронотопнинг йирик қисмини ўз ичига олувчи замон ва маконни қамраб олади. Яъни асар воқелиги чегараси Одам Ато ва Момо Ҳаввонинг яратилиши, сўнгра уларнинг иблис ҳийласи туфайли жаннатдан қувилишига ишора қилиб, шу аснодан бошлаб ердаги илк Одамдан то бугунги кунгача одамзотнинг Шайтон билан кураши кечаётган хронотопни рамзий ифодалайди. Мазкур бадиий талқин ушбу қисса хронотопининг ҳам синтетик шаклда эканлигини кўрсатади.

Қисса жанрининг эпик кўламини ва сўнги йилларда яратилган ўзбек қиссаларида кўринаётган етакчи тамойилларни эътиборга оладиган бўлсак, хронотопнинг анъанавий ва синтетик шакллари кўриш мумкин. Яъни, бадиий асарга макон чегаралари бир-бирига дахл этмаган ҳолда олиб қирилган якка-алоҳида, соф рамзий-метафорик маъно ташийдиган хронотоп кўринишлари ва сюжетнинг бошидан охиригача ана шундай рамзий-метафорик хронотоп асосига қурилиши ҳам инкишоф этилаётганини айтиш

жоиз. Назар Эшонкул қиссаларида ҳам хронотопнинг айни шу хили мавжуд эканига гувоҳ бўламиз. Демак, Назар Эшонкул асарларида анъанавий (“Уруш одамлари”, “Момоқўшиқ” қиссаларида) ҳамда синтетик (“Тун панжаралари”, “Қора китоб” қиссаларида) хронотоп шакллари мавжуд.

“Рамз ва метафоранинг қисса композициясидаги ўрни” деб номланган учинчи фаслда эса асар бадииятида рамз ва метафоранинг бир-биридан фарқи, уларнинг қўлланилиш хусусиятлари ёритилган. Хусусан, қиссалар қахрамонларига атаб қўйилган номларнинг метафориклиги, метафорик эпизодларнинг мавжудлигида ушбу хусусият яққол намоён бўлган. Шунингдек, истиораларнинг қўламдорлиги бадиий матндаги маъновий кўчим ва тасвир хилма-хиллигини таъминлаган. Назар Эшонкул қиссаларида учрайдиган истиоравий тасвирлар ижодкорнинг ҳақиқий сўз санъаткори эканини кўрсатади. “Кўнглим зардобланиб-зардобланиб, охири қуртлаб кетди...”; “Тун ромга кўкраklarини қўйиб, қора кийган кампирдек менга синовчан тикилиб ўтирибди...” (“Тун панжаралари”)¹¹ мазкур мисолларда қўлланган истиоралар муайян тасвирнигина эмас, қахрамоннинг мураккаб рухий дунёсини ҳам ифодалаган. Кўнгилнинг зардобланиб қуртлаши инсон вужудидаги бир парча этнинг айнишига эмас, руҳнинг мажруҳлигига ассоциатив ишора қилади. Кейинги жумлада эса ижодкорнинг тасвирлаш борасидаги бадиий маҳорати намуна бўлгулик. Маълумки, унинг “Тун панжаралари” қиссасида тун рамздир. Яъни тун – хотира, тун – қора қисмат, тун – ёлғизлик, тун – ўзгармас, абадий ёздиқ, тун – нафс, шайтонийлик маъноларини ифодалаганки, ижодкор бир сўзни бир бадиий матн (асар)нинг ўзида бир нечта кўчма маънода қўллай олган. Ижодкорнинг “Қора китоб” қиссасидаги китоб рамзий детали ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Сўз қўллашнинг бу каби маъновий “қурама”лиги мустақиллик даври ўзбек адабиёти учун тамомила янги ҳодиса. Бундан ташқари, Н.Эшонкул бадиий матнда бир сўзга шунча маънони “сиғдириш” билан бирга, шу рамзни истиора орқали ҳам ифодалай олади. Натижада маъновий кўчимнинг ғаройиб композицияси вужудга келади. Яъни юқорида келтирилган: “Тун ромга кўкраklarини қўйиб, қора кийган кампирдек менга синовчан тикилиб ўтирибди...” жумласида тун – қора қисмат (тун бу ерда айни шу рамзий маънода – Н.Ч.) инсон (инсоният)ни *азалий, эски, кўпни кўрган қари кампир* (истиора) мисоли синашда давом этаётган ёздиққа ўхшатишмоқда.

Адиб ижодида бундай серқатлам жумлалар кўплаб учрайди. Масалан, “Момоқўшиқ” қиссасида шундай истиоравий тасвир бор: “Тикилиб-тикилиб қарасанг, бу қорачиқлар супасида *қора либос кийган сеҳргар* ўтирганини кўрардинг, сеҳргар ўзига тез-тез жосусона нигоҳ ташлаётган *анчайин сур кўзларга* гоҳо ажабланиш, гоҳо *хайрат тузоқларини* қўярди, гоҳ ўзининг *жимитдайгина саҳнасига қоқсуяк, хўмрайган юзнинг* суратини чизарди; гоҳ бу *кичкина салтанатга* бостириб кирмоқчи бўлаётган *айгоқчи нигоҳларни* таҳдидона музаффарлик билан қарши оларди ва ўзининг шу тахлит тилсимона ўйинлари билан ҳар қандай бахт ва бахтсизлик ҳақидаги

¹¹ Эшонкул Н. Ялпиз хиди. Қиссалар ва ҳикоялар. –Тошкент: Шарқ, 2008. – Б.168.

тушунчалардан юксақда туришини исбот этмоқчи бўларди. Йўқ, йўқ, бу кўзларда сеҳргар эмас, *ойболта кўтарган жаллод* ўтирарди, у бу мулк деворларидан хуфёна ошиб ўтмоқчи бўлган *ўғри қарашларни* айвони саҳнасида *ўқиртириб-ўқиртириб қатл этарди...*¹². Мазкур контекстда муаллиф кўзнинг қорачиғини қора либос кийган сеҳргарга, ойболта кўтарган жаллодга, ҳайрат тузоқларини қўювчи овчига, бу қорачиқнинг шаклини эса жимитдай саҳнага, кичкина салтанатга қиёслайди. Матннинг курсив билан ажратилган қисмида эса бу кўзга (яъни Муаззамга) нигоҳ ташлаётган сур, айғоқчи, ўғри қарашлар соҳиби – қоқсуяк, хўмрайган юзли Шамси Салоҳ тасвирланган. Бу ўринда истиора нафақат тасвирийлик функциясини бажарган, балки мавжуд воқеликка муаллифнинг муносабатини, ҳатто қаҳрамонлараро зиддиятни ҳам тасвирлашга хизмат қилган. Натижада ижодкорнинг сўз қўллаш бобидаги маҳоратига яна бир бор гувоҳ бўламиз.

Маълумки, бадиий асарда рамз, метафораларнинг қўлланилиши асар мазмуни ва ғоясини очиб беришда муҳим вазифа бажаради. Жумладан, асар композициясининг рамз ва метафораларга асосланишида ҳам шу вазифа амалиёти туради. Ушбу ҳодиса мустақиллик даври ўзбек қиссалари поэтикасида жанрга хос етакчи белгилардан биридир. Шу жиҳатдан жанр композициясидаги ўрнига кўра рамзларни таснифлаш аҳамиятлидир. Назар Эшонқул қиссалари мисолида рамзларни қуйидагича таснифлаш мумкин: а) персонаж рамзлар; б) деталь рамзлар; в) топос рамзлар; г) пейзаж рамзлар; д) портрет рамзлар.

Асар ташқи композициясига кўра, сарлавҳа ва эпиграф рамзларга таснифлаб ўрганиш ҳамда таҳлил этиш қисса жанрининг мазмуний қурилишида рамзларнинг аҳамиятини кўрсатади.

Тадқиқотнинг учинчи боби **“Ижодкор маҳорати ва жанр бадиияти”** деб аталади. Бу бобнинг биринчи фаслида “Образлар талқини ва жанр тақомили” масаласи муҳокама қилинади. Натижада ёзувчи Назар Эшонқул ижодидаги, жумладан, қиссаларидаги образлар, ҳам ўзбек насрининг кўп асрлик адабий тажрибаси маҳсули, ҳам Ғарб адабиёти модерн тасвир шаклининг бадиий синтезлашуви сифатида гавдаланганини кўришимиз мумкин.

“Уруш одамлари” қиссасида турли ёшдаги, феъл-атвордаги, ўй-фикрдаги қиёфаларни кўрамыз. Асарда уруш ва унинг исқанжасидан қутулиш қаҳрамонларни бирлаштирган мурод-маслакка айланган. Қиссадаги Анзират образи руҳиятида онг ва онг ости туйғулари кураши аро тўлғонган аёл қиёфаси ўзининг бор мураккабликлари билан инкишоф этилган. Анзират онгли равишда гуноҳларини англаб етади, виждони олдида ўзини айбдор ҳис этади. Анзиратнинг хиёнати Нормат томонидан биров аёвсиз қарши олингани муаллифнинг асарга Маллабой образини киритиши орқали таъкидланади. Қиссадаги Маллабой образи худди “Ўткан кунлар” асаридаги уста Алим функциясини бажарган. Яъни Нормат ўз йўлини, туйғуларини аниқлаштириб олишда Маллабой импульс образ – туртки берувчи образ бўла олган.

¹² Эшонқул Н. Ялпиз ҳиди. Қиссалар ва ҳикоялар. –Тошкент: Шарқ, 2008. – Б.129.

Маллабой ўз аёлини фарзандлари учун кечирганини эшитган Нормат ҳам қисмати устидан фақат ўзи қарор қабул қилишга ҳақли эканини англаб етади.

Ижодкорнинг Анзират образини яратишида жаҳон психологларининг инсон руҳияти ҳақидаги илмий фикрлари таъсири ҳам сезилади. Муаллиф қиссани 1986 йил эълон қилган. Ёзувчи ўша пайтларда ўзининг Ғарб психолог олими Зигмунд Фрейднинг инсонни ундаги онг ости туйғуларининг асосида турадиган майллар бошқариши ҳақидаги қарашлари таъсирида бўлганини таъкидлайди: “Илгарироқ ёзилган “Уруш одамлари”да ўзим ҳам анча таъсирланганим фрейдчиликдан дарров қайтдим. Мен инсонни коинот маҳсули деб тушунаман. Унинг яралишида коинотдаги барча оламлар иштирок этган. Унинг майллари илдизини ҳам шундан излаш керак. Фрейд эса ҳамма нарсани жинсий майлга тақайверади. У буюк олим, психолог. Бу ҳақда гап бўлиши мумкинмас. Мен ҳамиша уни ўқийман, ҳозир ҳам. Ундан кўп нарса ўрганиш мумкин. Аммо унинг қарашларига қўшилмайман. Аёлга майл кўзи биланмас, уни аёл деб, гўзал илоҳий хилқат деб қараш тарафдориман”¹³.

Ҳақиқатан, инсонни тасвирлашда унинг юксаклиги гўзал маънавий-ахлоқий жиҳатларида намоён бўлиши Назар Эшонкулнинг “Момоқўшиқ” ва “Тун панжаралари” қиссалари ҳамда қатор ҳикояларида ўз аксини топди. “Уруш одамлари” қиссасида ҳам Анзиратга садоқат бобида қарама-қарши позицияда турган образ – Бийди момо ва унинг тўнғич келини характери тасвирлари ижодкорнинг бу борадаги қарашларини анчайин кенгайтиради. Муаллифнинг инсон (аёл) тасвиридаги яна бир бошқа ёндашувини ҳам ифодалайди.

Мазкур ёндашувнинг давомини ёзувчининг “Момоқўшиқ” қиссасида ҳам кўриш мумкин. Асарда аёлнинг инжа туйғулари ва жозиб қиёфаси инкишоф этилганига гувоҳ бўламиз. Қиссадаги Муаззам, момо образлари ва қўшиқ детали – бир-бири тўлдиради. Қўшиқ детали рамзий маънога эга бўлиб, унинг замирида барча юксак туйғулар, миллий қадриятлар, умуман олганда, инсон аслияти ифодаланган. Қўшиқ фақат Муаззамдек гўзал ва пок қалб ижросида ўз қудратини намоён эта олади. Тасвирланишича, ушбу пок, самимий, улуғ ва мискин оҳанг Шамси Салоҳга болалалик хотираларини эслатади. Нурсиз, аммо ёдига солганида юрагини кемирувчи аччиқ хотиралари унга, аслида, кимлигини англаиб қўяди. Шамси Салоҳ ўзини унутганини ҳис қилади. У болалигида момоси хиргойи қилган маҳзун оҳангдаги қўшиқни эслар экан, момосининг “бу қўшиқни унутма” деган ўтинчи ортида “ўтмишингни, ўзлигингни унутма” деган ундов борлигини англаб етади. Шу ўринда, муаллифнинг ушбу образ ҳақидаги фикрлари аҳамиятлидир: “Қиссадаги момо образи мени кўпроқ мафтун этганди. “Уруш одамлари”даги катта келин, бу қиссадаги Муаззам мен учун жуда яқин, бир-бирини тўлдирадигандек. Кейинчалик бу асарда топилмаган нарсани “Шамолни тутиб бўлмайди” ҳикоясида Байна момо образида топдим”¹⁴.

¹³ Эшонкул Н. Мендан “мен”гача. – Тошкент: Akademnashr, 2014. – Б.132-133.

¹⁴ Эшонкул Н. Кўрсатилган манба. – Б.163-164.

“Момоқўшиқ” қиссасидаги момо образи Шамси Салоҳнинг ўзининг ўтмиши ва аслиятига боқиши учун киритилган рамзий-ишоравий образ. Фаслда қиссадаги образлар ва уларнинг бадий мезонлари структурал таҳлил асосида баҳоланиб, ижодкор маҳорати урғуланган.

“Тун панжаралари” қиссасида муаллиф қаҳрамоннинг тафаккур тарзини, руҳиятини ўқувчига янада ойдинлаштириш учун ўзига хос усулни қўллайди. Яъни қаҳрамон тилидан турли ҳикоялар келтиради. Йигит ўзи ёзган “Тун эртақлари” номли туркум ҳикояларини асар давомида пешма-пеш келтиради. Натижада асарда муаллифнинг психологик таҳлили етакчилик қилади.

“Қора китоб” қиссасида Чўққи соқол – Иблис, қора китоб эса барча ёмонликларнинг ибтидоси, Иблиснинг йўриқномасидир. Муаллиф образлар тасвирида метаморфоза усулини қўллайди. Аммо ушбу метаморфоза (эврилиш)нинг анъанавий фош этувчилик функциясидан фойдаланмайди. Яъни ижодкор қаҳрамон қиёфасининг тубанлашуви ва бу тубанлашувнинг ортга қайтмас, давомий инқирозини кўрсатиш учун мазкур тасвир усулидан фойдаланади. “Тун панжаралари” ва “Қора китоб” қиссаларининг образлар талқинидаги рамзий ишоралар салмоғи ва воқеликни баён этиш усулининг ноанъанавийлиги муаллифнинг услуби ҳамда маҳорати сифатида қаралади.

Учинчи бобнинг “Ижодкор услуби ва жанр бадиияти” деб номланган иккинчи фаслида адиб Назар Эшонкул услуби, қиссаларининг тили ва бадиияти ҳақида сўз юритилади.

Назар Эшонкул асарлари услуби ҳақида мутахассислар унинг модернистик, рамзий-метафорик тасвир усулларида салмоқли фойдаланишини таъкидлашади. Унинг ўзи эса бу тўғрида шундай дейди: “...қуруқ баён қилиб бериш анъанавий бўлса, тўғри, мен бундан қочишга уринаман. Аслида, ўта анъанавий ёзаман. Ўзим шундай ўйлайман. Навоий, Бобур, Машраб ёки дostonларимизга қаранг. Уларни синчиклаб ўргансангиз, мен оддий анъанаяраст машқ қилувчи бўлиб қоламан”¹⁵. Ижодкор фикрларини давом эттирар экан, фольклор – халқ оғзаки ижоди намуналарининг адабий кашфиётлар сифатида нақадар улкан манба бўлиб хизмат қилишини, ўз ижодига таъсирини алоҳида эътироф этади: “Фольклор ҳар бир замон ёзувчисига етарли сюжет, ташбеҳ, фалсафа, метафора, услуб беради. Фақат уни топа олиш, уқиш ва олиб чиқиш керак. Фольклор бу – денгиз, уни қанча кавласанг, шунча ҳикмат чиқади. Асарларимнинг аксариятида фольклор таъсири яққол сезилади”¹⁶. “Уруш одамлари” қиссасида урушсиз юрт ҳақидаги ривоятнинг келтирилиши ёки Анзират образининг характер хусусиятларини беришда муаллиф фольклордан самарали фойдаланган.

Шунингдек, мазкур қисса матнидан жой олган халқона сатрларда ўзбек халқининг олис, абадий орзу ва хаёллари, самимияти акс этган. Муаллиф кампирларнинг “мискину шўх оҳангда” қўшиқ куйлаши орқали,

¹⁵ Эшонкул Н. Мендан “мен”гача. –Тошкент: Akademnashr, 2014. – Б.164.

¹⁶ Эшонкул Н. Кўрсатилган манба. – Б.222.

терсоталикларнинг, умуман, ўзбек халқининг бой меросига, донишмандлигига, эзгуликка талпинишларига ишора этади. Урушли майдонлар ва халқнинг ёруғ орзу-умидлари ўзаро контраст маънони, матндаги икки оҳанглиликни юзага келтиради. Қўшиқ матнида қўлланган шафтоли, тут дарахтлари ифодалаган рамзий маъно эса қисса мазмунига уйғундир.

Ижодкор услубига хос бўлган аллюзия (“лотинча *allusio* – ишора, ҳазил; барчага таниш деб ҳисобланган реал сиёсий, маиший, тарихий ёки адабий фактга ишора қилишга асосланган стилистик усул”¹⁷) орқали қиссаларнинг ғоявий-мазмуний кенглиги, муаллиф айтмоқчи бўлган фикрлар хилма-хиллиги таъминланган. Масалан, “Тун панжаралари” матнида қаҳрамон ўз қалбидаги илоҳий ишқнинг нечоғлик буюклигини изҳор этади. Ушбу қиссанинг яна бир ўрнида эса бадиий адабиёт инсоннинг дардини айтиш ва дидактик мақсад учун яратилганига Румий ва у яратган ҳикоятга ишора қилинади: “Қачонлардир уни бир-бирларига юракларидаги оғриқларни айтиш ва ибрат қилиб кўрсатиш учун ўйлаб топишган. Бир вақтлар Румий жондор, тулки, арслонни учраштириб, янги ташбеҳ топган”¹⁸. Яъни Румийнинг “Маснавийи маънавий” асарида “Овга чиққан овлангай” номли ҳикоят бор. Бу ҳикоятда овга чиққан тулки, бўри ва арслон бирга ов қилишгани, оқибатда ўлжа тақсимлашда арслоннинг қаҳрига учраганликлари тасвирланади¹⁹. Овга чиққанларнинг ўзи ҳам овланиши уларнинг хаёлига келмайди. Румий бу ҳикоят орқали кимки ўз нафси йўлида кимгадир озор берса, албатта, ўз жонига жабр қилишини мажозий кўрсатиб беради. Асар қаҳрамони Румий ижодига ишора орқали адабиёт кўнгилдагини айтишнинг энг нафис йўлидир, деган фикрни далиллайди. Муаллиф “Қора китоб” қиссаси орқали инсон ва иблис ўртасидаги кураш абадий эканлигини таъкидлайди.

Мазкур бобда янги поэтик ҳодисаларнинг қисса матнида воқеланишига атрофлича эътибор қаратилган. Назар Эшонқулнинг услуб қирраларини ташкил этувчи омиллар белгиланган.

ХУЛОСА

1. Ўтган асрнинг сўнгги чораги, янги аср бўсағасида қисса адабий жараёнда яна етакчи жанрлардан бирига айланди. Мутахассисларнинг бу жанрга берган таърифига кўра, у ҳикоя ва роман оралиғидаги адабий ҳодисадир. Қаҳрамон ҳаётининг биргина воқеаси акс этган ҳикоядан ёхуд бутун босқичи тасвирланган романдан фарқли равишда қиссада қаҳрамон ҳаётининг катта бир босқичи тўлалигича ўз ифодасини топади. Диссертацияда қисса жанрининг шакл ва мазмун, воқеликка муносабат, қаҳрамон тасвирининг ўзига хослиги билан эпик тур тизимида фарқланиши жанр табиатини тадқиқ этиш асосида кузатилган.

¹⁷ Курунов Д, З.Мамажонов, М.Шералиева. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Академнашр, 2013. – Б.26.

¹⁸ Эшонқул Н. Ялпиз хиди. Қиссалар ва ҳикоялар. –Тошкент: Шарқ, 2008. –Б.176.

¹⁹ Тилавов А. “Маснавий”дан ибратли ҳикоятлар. www.ziyouz.com.

2. Қисса жанрининг поэтик янгилинишида Эркин Аъзам, Хуршид Дўстмуҳаммад, Шойим Бўтаев, Назар Эшонқул, Шодикул Ҳамро, Исажон Султон, Улуғбек Ҳамдам каби адибларимизнинг хизматлари каттадир. Бу адиблар бошқа насрий жанрлар билан бир қаторда, қиссачиликда ҳам самарали ижод қилиб келмоқда. Қисса жанрида диққат қаратиладиган марказ қаҳрамоннинг ўзи ва унинг маънавий, руҳий, ижтимоий тасвири масаласи эканлиги, шу жиҳатдан ҳам жанр инсонни бадиий кашф этишга бўлган энг “қулай” яқинлашув эканлигини таъкидлаш лозим. Мазкур ижодкорлар қиссаларида инсоннинг маънавий қиёфаси талқини, мураккаб руҳий ҳолатларининг бадиий тасвири етакчилик қилган.

3. Истиклол йилларида яратилган қиссаларда ўзига хос янгилиниш тамойиллари асосида инсон ва туйғуларининг асосий қадрият сифатида баҳоланиши, собиқ мафкура, даврнинг инсонлар ҳаётида, руҳиятида қолдирган асоратларини рамзий усулда тасвирланиши, тилнинг аллегорик-киноявийлиги, метафорик тасвирларга бойлиги, шу билан бирга, анъанавийликнинг давом эттирилиши (анъанавий баён ва реалистик тасвир устуворлиги), қиссанависларимизнинг мумтоз асарларимизга мурожаат этиши каби хусусиятлар кўзга ташланмоқда.

4. Назар Эшонқул ҳикоялари, романи адабиётшунос олимларимиз томонидан кўпдан буён ўрганиб келинаётган бўлса-да, қиссалари яхлит адабий ҳодиса тарзида, ижодкор маҳоратини белгилаб берувчи етакчи жанрлардан бири сифатида тадқиқ этилишини талаб этади. Ёзувчи қиссаларида инсон-жамият-борлиқ учлигида асл инсон туйғулари, унинг мураккаб руҳий ҳолати, ўзбек халқига хос миллий характер белгиларининг бадиий тасвири, воқеликнинг анъанавий реалистик ва модернистик йўналишдаги ифодаси кабилар етакчи хусусиятлар сифатида кузатилмоқда.

5. Ўзбек адабиётшунослигида жанр тадқиқи кесимида яхлит ўрганилмаган Назар Эшонқул қиссаларида ижодкор услуби ва маҳорати масалалари, муаллиф “мен”и, адабий-эстетик қарашлари, қаҳрамон яратиш борасидаги изланишларининг ўзига хослиги муаллифнинг муайян бадиий ғояни руҳий-психологик асослашида, ровий-қаҳрамон нутқида руҳий таҳлилнинг етакчилик қилишида намоён бўлади.

6. Ҳозирги ўзбек қиссаларининг сюжет композицияси ўзига хослиги, сюжет нафақат реал, балки нореал тасвирларнинг уйғунлашуви ёки нореал воқеликнинг айна ўзи асосида ташкилланганини кузатиш мумкин. Реал ва нореал воқелик асос бўлган сюжетли қиссаларнинг композицион ўзига хослиги Назар Эшонқул қиссаларини ўзаро солиштириш жараёнида кўринади. Нореал воқелик асос бўлган сюжетлар муаллифнинг Ғарб адабиётидан таъсирланиши, адабий фантазия кўлами, бадиий нияти ўлароқ вужудга келган. Асар сюжети эса нафақат воқеалар тизими сифатида, балки бир воқеа ичидаги ўсиш, қаҳрамоннинг руҳиятидаги туйғулари билан, ўз-ўзи билан кураши, ўзини тафтиш этиши, баҳолаши тарзида намоён бўлади. Ижодкорнинг “Тун панжаралари”, “Қора китоб” қиссалари шундай қиссалар сирасига киради.

7. Сўнгги йиллар ўзбек қиссаларида тасвирланаётган замон-маконнинг чегарасизлиги қиссаларда замон-макон талқинини ўрганиш эҳтиёжини келтириб чиқарди. Ҳозирги ўзбек қиссалари, жумладан, Н.Эшонкул қиссаларида хронотоп анъанавий (“Уруш одамлари”, “Момоқўшиқ” қиссаларида) ва синтетик (“Тун панжаралари”, “Қора китоб” қиссаларида) шаклларга эга. Қиссалар таҳлили орқали анъанавий хронотоп ичида ёндош хронотоп белгилари ҳам мавжуд. Хусусан, “Уруш одамлари” қиссасида асосий хронотоп (Терсота қишлоғи) анъанавий хронотоп шаклида бўлса-да, метафорик маъно ташиган микро хронотоплар учрайди. “Момоқўшиқ” қиссасида замон-макон идиллик хронотоп шаклида воқеланган. “Тун панжаралари” ва “Қора китоб” қиссаларидаги хронотопнинг синтетик шакли эса умумийлик (умум замон-маконийлик) касб этган. Бу ҳолат эса муаллиф “мен”и ва адабий идеали билан боғлиқ тарзда вужудга келган.

8. Мустақиллик даври ўзбек қиссаларида кўзга кўринаётган жанрга хос етакчи белгилардан бири – асар композициясининг рамз ва метафораларга асосланиши. Шунинг учун қисса поэтикасида рамз ва метафоранинг аҳамиятини кўрсатиш мақсадга мувофиқдир. Шу жиҳатдан қиссалардаги рамзларни ўрганиш ва жанр композициясидаги ўрнига кўра уларни таснифлаш аҳамиятлидир. Асар композициясига кўра, персонаж, деталь, топос (макон), пейзаж, портрет рамзлар; сарлавҳа ва эпитафия рамзлар сифатида гуруҳлаш қисса структураси ҳамда бадиий тасвирда маъновий кўчимнинг ролини баҳолаш имконини беради. Ушбу таснифлаш орқали Назар Эшонкул қиссаларида жанр такомили ва муаллифнинг услубий индивидуаллиги намоён бўлган.

9. Назар Эшонкул қиссаларидаги бадиий услубнинг ўзига хослигини қуйидаги: а) халқимизнинг неча минг йиллик урф-одатлари, қадриятлари, анъаналари ва тафаккур тарзини ўзида мужжасам этган халқ оғзаки ижоди ҳамда жаҳон адабиётининг таъсири; б) мумтоз адабиёт ҳамда диний манбаларга ишора қилиш санъати (аллюзия); в) сўз қўллашда метафоранинг салмоғи ҳамда шевага оид сўзлардан тасвирланиши мураккаб бўлган воқеа-ҳодисаларни ифодашда фойдаланиш; г) қиссалар тилида муаллиф дунёқараши ҳамда ровий-қаҳрамон руҳиятининг афористик ва киноявий нутқ орқали ифодаланиши; д) тасвирда бадиий синтезнинг фаоллашуви каби хусусиятлар ташкил этади.

10. Назар Эшонкул қиссалари бадиияти жанр поэтикасининг услубий, шаклий-мазмуний кўламини кенгайтириши билан характерлидир. Ижодкор асарлари таҳлили қисса жанрининг ўзига хос табиати, жанр такомилида ижодкор маҳоратининг намоён бўлиш сабаблари, жанрдаги мотив образлар талқинида янгича ёндашув ва тараққиёт омилларини белгилаш имконини беради. Қиссалар бадииятида фольклор, ўзбек мумтоз адабиёти, жаҳон адабиёти намуналарининг таъсирини кўрсатиш баробарида ижодкорнинг асар яратиш борасидаги изланишлари ассоциатив фикрлаш, нореал воқелик кўлами, рамзий-метафорик тасвир усулларида фойдаланиши каби жиҳатларда кузатилади.

**SCIENTIFIC COUNCIL AWARDING SCIENTIFIC DEGREES
PhD.03/30.12.2019.Fil.70.01 AT KARSHI STATE UNIVERSITY**

KARSHI STATE UNIVERSITY

CHULIYEVA NILUFAR AZAM KIZI

**WRITER'S SKILL AND GENRE POETICS
(ON THE EXAMPLE OF THE STORIES OF NAZAR ESHONKUL)**

10.00.02 – Uzbek Literature

**THE DISSERTATION ABSTRACT OF DOCTOR OF PHILOSOPHY (PhD) ON
PHILOLOGY**

Karshi – 2020

The theme of dissertation of doctor of Philosophy (PhD) on philological sciences was registered at the Supreme Attestation Commission at the Cabinet of Ministers of the Republic of the Uzbekistan under number B2019.4. PhD/Fil1049

The doctoral dissertation has been prepared at Karshi State University.

The abstract of the dissertation is posted in three languages (Uzbek, English, Russian, (abstract)) on the website of Karshi State university (www.qarshidu.uz) and on the website of "ZiyoNet" Information and educational portal (www.ziyo.net)

Scientific Supervisor: **Eshonkulov Jabbor Soliyevich**
Doctor of philological sciences, professor

Official opponents: **Jurakulov Uzok Khaydarovich**
Doctor of philological sciences, professor

Veli Savaş YELOK
Doctor of philological sciences (Turkey)

Leading organization: **Bukhara State University**

Defense of dissertation will be held on «30» *dekabr* 2020 at 08:00 at the meeting of the Scientific Council number PhD.03/30.12.2019.Fil.70.01 on award of scientific degree of doctor of sciences at Karshi State University (Address: 180103, Karshi, Kuchabog Str., 17. Tel.: (0 375) 225-34-13; fax: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz). Karshi State University, faculty of Physics and mathematics, Room 102.

The dissertation can be found in the Information-resource Center of Karshi State University (registration number 35) (Address: 180103, Karshi, Kuchabog Str., 17. Tel.: (0 375) 225-34-13; fax: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz).

Abstract of dissertation is delivered «19» XII 2020.
(Register of certificate of delivery No. «34» 19.XII 2020).

N.N. Shodmonov

N.N. Shodmonov
Chairman of Scientific Council of
Awarding the Scientific Degrees,
Doctor of Philological Sciences

G.N. Tojjeva

G.N. Tojjeva
Scientific Secretary of
Scientific Council of
Awarding the Scientific Degrees,
Doctor of Philosophy of Philology

D. Turaev

D. Turaev
Chairman of Scientific
Seminar by Scientific Council of
Awarding the Scientific Degrees,
Doctor of Philological Sciences,
Professor



INTRODUCTION (abstract of PhD thesis)

evance and necessity of the dissertation is to study the creator and skills through new analyzes in the world literary criticism, as well as scientific research work that defines the poetics of prose works, in particular, the genre of short stories is of great practical importance. Scientific evaluation of genre poetic innovations, the skills creator taking place in folk literature influences on the development of literary-theoretical views. These scientific considerations are crucial this is mainly because they are of importance in drawing conclusions about the characteristics of world literature.

In the world literary criticism the genre of storytelling, the subject of creator skill, has been developed through various theoretical perspectives. Especially, from the earliest theoretical, literary and aesthetic points of view of German literary criticism, the question of the commonality of mind and absolute spirit in the question of art and skill, or comments describing that each work of art is a separate genre in its own right are put forward. In Russian literary criticism, the canonical genre of the story between the novel and the story, the creative skill is the individual ability of the person, whereas in English literary criticism, the primary focus is on the criteria of art rather than the social feature of the genre. In this sense, the scientific study of the subject of the story genre and creative skills is one of the most pressing problems of today's literature.

In recent years, there has been a need to study Uzbek prose, short stories and artistic skills in Uzbek literature. This is could be because today Uzbek literature demonstrates its influence on the basis of new principles, such as prose works, including the complex artistic expression of the human psyche in stories (an attempt to show the flow of the subconscious), the reflection of a unique way of contemplation. "Literature is the heart of the people, the mirror of the nation's spirituality. In today's difficult period, it is necessary to use the influential power of literature to find a way into the hearts of people, to inspire them to noble goals"¹. Writer Nazar Eshankul is one of the representatives of our literature who works for the same purpose. Nazar Eshankul's stories are written in the direction of modernism, characterized by the diversity of images and the thickness of the symbolic image of reality. It results the study of creative skills, poetics and style of storytelling as a holistic study becomes relevant in the current literary process as it impact the development of artistic skills and scientific conclusions on the nature of the genre.

No. DP-4947 of the President of the Republic of Uzbekistan dated February 7, 2017 "On the strategy of actions for the further development of the Republic of Uzbekistan", No. DP-5847 dated October 8, 2019 "On approval of the Concept to develop the higher education system until 2030 in the Republic of Uzbekistan", No. DP-5850 dated October 21, 2019 "On measures to radically increase the prestige and status of the Uzbek language as the state language", No. DP-6084 of

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида барпо этилган Адиблар хиббонининг очилишида сўзлаган нутқи. / Халқ сўзи, 2020, 21 май, №106 (7608).

October 20, 2020 “On measures to further develop the Uzbek language and improve language policy in our country” Decrees and No. DP 2789 of February 17, 2017 “On measures to further develop the activities of the Academy of Sciences, the organizing, managing and funding of research”, No. DP 3271 of September 13, 2017 “About the complex program of measures on developing the system of publishing and distributing book products, increase and promotion of culture of reading and reader” Decrees, “The development of literature and art, culture is a solid foundation for the development of the spiritual horizon of our people” to a certain extent contributes to the practical implementation of the tasks set out in the report on the subject and other regulations in the field.

Correspondence of the research to the priority directions of development of science and technology of the Republic. This dissertation was carried out in accordance with the priority direction of the development of science and technology in the Republic I. “Spiritual, moral and cultural development of a democratic and legal society, the formation of an innovative economy”.

The degree of study of the problem. From the earliest literary theoretical perspectives to the present day, prose works, the nature of the short story genre, and theoretical ideas² about it contain significant sources in world and Russian literary criticism. In this research, the genre of the story, its specifics, the relationship between the genres; the literature covers issues such as word usage, reality, hero, and character creation skills.

In our literary criticism, theoretical textbooks, manuals, pamphlets³ the genre of short stories⁴ dissertations, specific problems related to this genre (character, protagonist, plot, etc.) These researches have served to highlight the narrative

² Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир. Риторика. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2018; Кожинов В. Повесть. Словарь литературоведческих терминов. – М.: Просвещение, 1974; Уэллек Р., Уоррен О. Теория литературы. – М.: 1978; Лихачев Д.С. Неравнодушная проза. – М.: Художественная литература, 1984; Веселовский А.Н. Историческая поэтика. – М.: Высшая школа, 1989; Головкин В.М. Поэтика русской повести. – Саратов: 1992; Хализев В.Е. Теория литературы. – М.: Высшая школа, 2002; Тамарченко Н.Д. Теория литературы // Роды и жанры. – М.: ИМТИ РАН, 2003; Стоун И. Биографик қисса ҳақида // Жаҳон адаблари адабиёт ҳақида. – Тошкент: Маънавият, 2010.

³ Норматов У. Ҳозирги қиссалар поэтикасига доир // Насримиз уфқлари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974. – Б.45-64; Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983. – Б.248; Султон И. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1986; Каримов Э. Ўзбек совет адабиётида повесть жанри // Адабий турлар ва жанрлар. 1-жилд. – Тошкент: Фан, 1991; Каримов Н., Мамажонов С., Назаров Б., Норматов У., Шарафиддинов О. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1999; Расулова У. XX аср ўзбек қиссалари тадрижи. – Тошкент: Фан, 2012; Quronov D. Adabiyot nazariyasi asoslari. – Toshkent: Navoiy universiteti, 2018.

⁴ Расулов А. Характер молодежи в современных узбекских советских повестях: Дисс... канд. филол. наук. – Тошкент, 1966; Аброров А. Ўзбек повести. – Тошкент, 1973; Тўраев Д. Ҳозирги ўзбек қиссаларида сюжет проблемаси: Филол. фан. номз. ...дисс. – Тошкент, 1974; Рашидов А. Проблема духовно-нравственного становления героя в узбекской повести о рабочем классе (1920-1960 гг.): Дисс. ... канд. филол. наук. – Тошкент, 1981; Тагматов К. Нравственный мир героя и художественные искания в узбекской повести (1960-1970 гг.): Дисс... канд. филол. наук. – Тошкент, 1981; Захидова С. Жанровые и стилевые особенности советской узбекской повести (60-70 г): Дисс... канд. филол. наук. – Тошкент, 1982; Улуғов А. Основные тенденции развития современной узбекской повести в интерпретации литературной критике. Дис. канд. филол. наук. – Тошкент: 1988; Тенглашев М. Особенности конфликта в узбекских повестях 80-х годов: Дисс. ... канд. филол. наук. – Тошкент, 1989; Ташпулатов Г. Нравственные искания в современной узбекской повести (М.М.Дуст, Тагай Мурад, Гаффар Хотам): Дисс. ... канд. филол. наук. – Тошкент, 1993; Кўбаев Қ. Ўзбек қиссаларида тарихий ҳақиқат ва бадиий маҳорат (60-80-йиллар): Филол.фан.номз...дисс. – Тошкент, 2001; Каримова Ю.А. Пиримкул Қодиров қиссаларида маънавий-ахлоқий муаммоларнинг бадиий талқини: Филол.фан.номз...дисс. – Тошкент, 2005;

genre in our literary criticism, to assess and interpret its examples, and to show how certain creators have developed this genre.

In recent years Nazar Eshankul's work and his unique style have been explored. In particular, dissertation researches of H.Dustmukhammedov, G.Sattorova, M.Rustamova, S.Matyakupov, A.Kholmurodov, D.Kholdorov, F.Radjabova, F.Burkhanova⁵ and stories created by the artist in various forms of scientific works⁶, peculiarities of short stories, poetic language and style, there are scientific considerations about the author's literary-aesthetic views. However, the poetics of Nazar Eshonkul's stories, his research on heroism, character creation, plot construction skills and genre perfection were first explored as part of this dissertation.

The relationship of the topic of the dissertation research with the plans of research work of the higher educational or research institution where the dissertation was performed. The dissertation research was carried out within the framework of the research plan of Karshi State University on the topic "Study of the historical development and theoretical development of literary events".

The aim of the research work is to generalize exact scientific and theoretical views on the development of the story genre, artistic mastery, based on the analyzing the stories of Nazar Eshonkul.

The functions of the research is to show the importance of the work of the writer Nazar Eshonkul in the development of short story writing by marking the development of today's Uzbek short stories;

studying the author's skill in creating a plot and artistic space by studying the plot, time-space forms in the stories of Nazar Eshonkul;

identify the poetic factors that gave rise to Nazar Eshonkul's style, in particular, the aspects of the creative style in the stories "Urush odamlari", "Momoqo'shiq", "Tun Panjaralari" and "Qora kitob";

to show the impact of world psychologists, world literature in the interpretation of images in stories and the formation of the author's literary and aesthetic views;

to draw scientific conclusions about the importance of the study of artistic mastery and poetics of the short story genre in modern Uzbek literary criticism.

⁵ Дўстмухаммедов Х. Ҳозирги ўзбек ҳикоячилигида бадиий тафаккурнинг янгиланиши (80-йилларнинг иккинчи ярми ва 90-йилларнинг аввалидаги ҳикоялар мисолида): Филол.фан.номз. ... дисс. – Тошкент, 1995; Сатторова Г. 90-йиллар ўзбек ҳикоячилигида миллий характер муаммоси (Ғ.Ҳотам, Х.Дўстмухаммад, Н.Эшонкул ҳикоялари мисолида): Филол.фан.номз... дисс. – Тошкент, 2002; Рустамова М. Истиклол даври ўзбек қиссаларининг тараққиёт тенденциялари: Филол.фан.номз... дисс. – Тошкент, 2005; Матякупов С. Ҳозирги ўзбек ҳикояларида инсон концепцияси ва шахс бадиий талқини: Филол.фан.номз...дисс. – Тошкент, 2006; Холмуродов А. Ўзбек қиссачилиги: тараққиёт муаммолари: Филол.фан.докт. ...дисс. – Тошкент, 2008; Камилова С. XX аср охири – XXI аср бошлари рус ва ўзбек адабиётида ҳикоя жанри поэтикасининг ривожини: Филол. фан. докт. ...дисс. – Тошкент, 2016; Холдоров Д. Ҳозирги ўзбек қиссаларида бадиий услуб муаммоси (Шойим Бўтаев, Назар Эшонкул қиссалари мисолида): Филол. фан. фалс. докт. ... дисс. – Тошкент, 2018; Раджабова Ф. Истиклол даври ўзбек қиссачилигида услуб ва поэтик тил: Филол. фан. фалс. докт. ..дисс. – Тошкент, 2018; Бурханова Ф. Муаллиф адабий-эстетик қарашлари ва ижодий параллелизм (Назар Эшонкул ва Улуғбек Ҳамдам ижоди мисолида): Филол.фан.фалс.докт. ...дисс.автор.ф. – Тошкент, 2019.

⁶ Норматов У. Умидбахш тамойиллар. – Тошкент, Маънавият, 2000. – 110 б.; Ўлдошев Қ. Ёниқ сўз. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2006. – 546 б.; Қўчқорова М. Бадиий сўз ва руҳият манзаралари. – Тошкент: Муҳаррир, 2011. – 232 б.; Каримов Б. Руҳият алифбоси. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги НМИУ, 2018. – 362 б.

The object of the research work is to analyze the stories of Nazar Eshonkul “Urush odamlari”, “Momoqo‘shiq”, “Tun Panjaralari” and “Qora kitob” and some Uzbek stories created during the years of independence.

The subject of the research work is to study skills of creator and the poetics of Nazar Eshonkul’s stories

The methods of the research work. Methods of comparative-typological, structural, biographical and psychological analysis were used in the formation of the dissertation.

Scientific novelty of the research work is:

the continuation of poetic changes in the creation of the hero, the character, the plot in modern Uzbek stories, the development of Uzbek storytelling in recent years, the features of the artistic development of the writer Nazar Eshonkul’s stories are described.;

in Nazar Eshonkul’s stories can be seen the traditional realistic, non-traditional (modernist) direction, traditional and synthetic forms of time and space;

the author’s artistic skills are reflected in the classification of symbols used in the text of the story according to the composition of the work, the interpretation of images and literary influences (folklore, classical literature), the theme and idea of the work;

the author’s creative individuality in the stories “Urush odamlari”, “Momoqo‘shiq”, “Tun Panjaralari”, “Qora kitob”, the active use of symbols-metaphors, artistic synthesis, allusions in poetic language and expression, complex sentences, satirical, aphoristic speech of the hero through which the consistent formation of imagery is revealed.

Practical results of the research work:

recourses for the scientific study of the short story genre in world and modern Uzbek literary criticism have been classified and the principles of interpretation have been identified;

in the stories “Urush odamlari”, “Momoqo‘shiq”, “Tun Panjaralari”, “Qora kitob” the issues of image, style, plot poetics and interpretation of time and space are revealed;

literary impact as well as general and specific influence of modernist principles are illustrated in the plot of the short stories “Tun Panjaralari”, “Qora kitob”;

in the stories “Urush odamlari”, “Momoqo‘shiq”, “Tun Panjaralari”, “Qora kitob” are highlighted the skills and style of creator.

Reliability of the research results is determined by the fact that the problem is clearly stated, the conclusions are based on the methods of comparative-typological, biographical, psychological, structural analysis, as well as the use of Nazar Eshonkul’s literary views in the analysis of stories.

Scientific and practical significance of the research results complements the theoretical ideas gained in research on the poetics of the short story genre and creative skills, and serves to enrich the sources of literature of the independence period.

The practical significance of the research results is used in the higher education system in the creation of textbooks, manuals and collections on “Modern Uzbek Literature”, “Modern Literary Process”, as well as in the preparation of textbooks.

Implementation of the research results. From the results of the study of the poetics and creative skills of Nazar Eshonkul’s stories:

from the scientific results of Nazar Eshonkul’s stories on the description of events and the features of the traditional realistic direction in the artistic image, the existence of traditional and synthetic forms of time and space, ITD A-1-118 “Preparation and publication of a textbook on images and interpretations of Navoi” (2015-2017)) used in the fundamental project. (Certificate of the Ministry of public Education of the Republic of Uzbekistan № 89-03-3643 as of October 2, 2020). As a result, the topic of issues of tradition and literary influence in modern literature has been scientifically enriched;

the conclusions on the classification of symbols used in the text of the story according to the composition of the work, the interpretation of images and literary influences (folklore, the influence of classical literature) were used in the practical project OT-A1-47 “Dictionary of Folklore Terms” (2017-2018). (Certificate of the Ministry of public Education of the Republic of Uzbekistan № 89-03-3643 as of October 2, 2020). The scientific research results these sources served to supplement the information on the role of folklore in the development of Uzbek folk prose;

the author’s creative individuality in the stories “Urush odamlari”, “Momoqo’shiq”, “Tun Panjaralari”, “Qora kitob”, the active use of symbols-metaphors, artistic synthesis, allusions in poetic language and expression, complex sentences, satirical, aphoristic speech of the hero, scientific information on the gradual formation of imagery was used in the preparation of scripts for the program “The first Uzbek realistic story: “Obid ketmon” and the evolution of modern Uzbek stories”, “Creative skills and style” of the Kashkadarya regional television and radio company “Almanax”. Certificate №. 547 of June 29, 2020 of the Kashkadarya regional television and radio company). As a result, the shows are enriched both enlightening and practical.

Approbation of research results. The results of the study were approbated at 4 international and 2 national scientific conferences.

Publication of research results. A total of 15 scientific papers on the topic of the dissertation, including 3 articles including 2 in national and 1 in foreign journals in scientific publications recommended for publication of the main scientific results of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD) of the Higher Attestation Commission of the Republic of Uzbekistan.

The structure and scope of the dissertation. The dissertation consists of an introduction, three chapters, a conclusion and a list of references, the total volume is 158 pages.

THE MAIN CONTENT OF THE DISSERTATION

In the “**Introduction**” part of the study the relevance and necessity of the work, the degrees of study of the problem, scientific novelty, the dependence of research on the main priorities of science and technology, the object, subject, methods, goals and objectives is identified, scientific and practical significance of the results, approbation, published works and information on the structure of the dissertation is highlighted.

The first chapter of the dissertation is entitled “**Principles of study and renewal of the genre of short stories**”, the chapter focuses on the scientific and theoretical literature on the subject. The peculiarities of the development of recent years Uzbek short stories have been discussed.

The first section of the chapter contains scientific comments about “The study of modern Uzbek storytelling”. Firstly the nature, features and possibilities of the story genre are briefly discussed.

Also, attention is paid to the study of Uzbek short stories in modern Uzbek literature. Numerous dissertations and research papers on the study of prose which was created in the 80s and 90s of the twentieth century deal with issues such as attitudes to the genre of short stories, literary events related to the genre, problems, the image of the narrator and creative skills. Literary scholars Umarali Normatov’s, Abdugafur Rasulov’s, Damin Turaev’s, Kazakboy Yuldashev’s observations on modern Uzbek literature, prose and short stories of independence, their scientific and practical significance are noted. The analyzes and interpretations in these works reflect the peculiarities of the renewal of our modern literature, prose, in particular, our stories, as well as the gradual development of artistic perfection. The views of these scholars on the depiction of the human image in our prose works are addressed. Particularly, the literary scholar U.Normatov’s “An artistic study of the strange feelings, traits, subconscious states that are not only the product of social relations, but also as a divine, innate, mysterious, magical being, which is not subject to social, historical conditions - system, state, politics, ideology works based on the philosophy of existentialism are being created, or similar interpretations are taking root”⁷, such ideas represent the artistic landscape of our current works and the scientific approach to them.

Literary scholar D. Turaev points out the following as changes in the prose of the independence period: “Undoubtedly, one of the most important changes in the prose of the independence period is the renewal in the poetics of the genres. The method of epic depiction in our prose has been enriched with new research and has revealed which is named unconventional direction in the system of world literature. In this type of work, artistic interpretation, in contrast to the narrative of events, is characterized by realistic hidden streams of consciousness, philosophical and symbolic analysis, and the study of the protagonist's psyche”⁸.

The dissertations of G.Tashpulatov, A.Ulugov, K.Kubaev, M.Rustamova, Y.Karimova, A.Kholmurodov, M.Bobokhonov, M.Sheralieva, D.Kholdorov,

⁷ Норматов У. Умидбахш тамойиллар. – Тошкент: Маънавият, 2000. – Б.5.

⁸ Тўраев Д. Рангин тасвирлар жилоси. – Тошкент: Akademnashr, 2014. – Б.4.

F.Radjabova⁹ are the genre of short stories, its nature, during the eve of independence and the period of independence scientific opinions about the peculiarities of the stories created in the period of the 19th century are presented as works done in style of holistic research in the form of monographic. Existing ideas about the development trends of new Uzbek stories, the methods of depiction reflected in them, the possibilities of artistic language, creative skills and style are revealed in the analysis of these dissertations. The peculiarities of this research work are recognized, and scientific and theoretical views are generalized.

The chapter emphasizes the need for national-modern methods of analysis and interpretation, as well as a specific concept of the methods of examining new forms of our literature, especially, our stories. Scientific proof of modern stories and the processes of renewal that appear in them, The development of methods for evaluating works in the spirit of two pure modernisms, combined with nationalism, in general, the development of holistic theories of the study of the Uzbek parts of the later period was held on a topical issue. In this regard, based on the experience of world literature, there is a need for a theory based on national, as well as universal views, which can fully reflect the art of Uzbek storytelling.

The second season of the first chapter, which was entitled “Principles of renewal in the genre of short stories”, analyzes the stories created on the eve of independence and in recent years. The peculiarities of modern short stories, the change in the approach to the human image, the literary events that led to the development of the genre, and the leading principles are expressed in them. In particular, H.Dustmukhammad’s “Kuza ...”, “So‘roq”, “Oromkursi”, E.Azam's “Chapaklar va chalpaklar mamlakati”, “Shoirning to‘yi”, Sh.Butaev’s “Kunbotardagi bog‘”, Sh.Khamro’s “Qora kun” , “Yolg‘izlik” by U.Khamdam, “Robiya Balhiy qissasi” by I.Sultan, N. Eshonkul’s stories, such as “Qora kitob” and “Tun Panjaralari”, emphasize the issue of the hero, the way of telling the truth and the author’s “I”. In these stories, new features such as the conflict of the time, the coverage of its flaws, the image of the decline of society, the narrator's allegorical and satirical attitude to reality, the richness of symbols and metaphors, the lack of individualization of heroes or their depiction of their thoughts and experiences. Additionally, the image is dominated by the weight of lyricism, rhetoric, the art of allegory or the tradition of narration, a realistic description of events as a result of the influence of Eastern literature, our classic works. Such features determine the specific nature of the genre and the degree of perfection. It

⁹ Ташпулатов Г. Нравственная искания в современной узбекской повести (М.М.Дуст, Тагай Мурад, Гаффар Хатам): Дис. канд. филол. наук. –Тошкент, 1993; Улуғов А. Основные тенденции развития современной узбекской повести в интерпретации литературной критике. Дис. канд. филол. наук. – Тошкент, 1988; Кўбаев Қ. Ўзбек қиссаларида тарихий ҳақиқат ва бадиий маҳорат (60–80-йиллар):Филол.фан.номз...дисс. – Тошкент, 2001; Рустамова М. Истиклол даври ўзбек қиссаларининг тараққиёт тенденциялари: Филол.фан.номз...дисс. – Тошкент, 2005; Каримова Ю. Пиримқул Қодиров қиссаларида маънавий-ахлоқий муаммоларнинг бадиий талқини: Филол.фан.номз...дисс. – Тошкент, 2005; Холмуродов А. Ўзбек қиссачилиги: тараққиёт муаммолари (XX аср сўнги чораги): Филол. фан. докт... дис. – Тошкент, 2008; Бобохонов М. Ҳозирги ўзбек қиссачилигида психологизм: Филол.фан.номз... дис. автореф. – Тошкент, 2012; Шералиева М. Ҳозирги ўзбек насрида киноя (ижтимоий-психологик омиллари, поэтик тизимдаги ўрни): Филол. фан. фалс. докт. дис. автореф. – Тошкент, 2017; Холдорев Д. Ҳозирги ўзбек қиссаларида бадиий услуб муаммоси (Шойим Бўтаев ва Назар Эшонкул қиссалари мисолида): Филол. фан. фалс. докт. дисс. – Тошкент, 2017; Раджабова Ф. Истиклол даври ўзбек қиссачилигида услуб ва поэтик тил: Филол. фан. фалс. докт. дисс. – Тошкент, 2018.

is also analytically shown that there are some shortcomings in the art of our current stories.

